O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 8-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 82 (27.257) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

FURURIMIZ VA FAXRIMIZ

Ўзбекистонимиз тарихида шу пайтгача ҳеч ким эришмаган ютуққа ёш шоҳмотчимиз Рустам Қосимжонов эришди

18 июнь куни Ливия пойтахти Триполида шоҳмот бўйича жаҳон чемпионатига старт берилганди. Дунёнинг эллик олти мамлакатидан 128 нафар шоҳмот устаси баҳсларни бошлаган мазкур нуфузли мусобақа айни чоғда ҳал қилувчи паллага кирди.

Аввал хабар қилганимиздек, ярим финалнинг иккинчи учрашуви ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳамда болгариялик Веселин Топалов ўртасида бўлиб ўтди. Ушбу баҳснинг асосий тўрт партиясида дуранг (2:2) натижа қайд этилгач, финалчи номи икки партиядан иборат тай-брекдан сўнг аниқланди. Тезкор шоҳмот партияларини ҳамиша муваффақиятли якунлашга одатланган ҳамюртимиз бу сафар ҳам зафар қучди — 2:0.



Энди Рустам жаҳон чемпионати ғолиблигини қўлга киритишга жуда яқин турибди. Мусобақа низомига мувофиқ, жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган шоҳмотчи 100 минг АҚШ доллари билан тақдирланади. Бунинг учун эса Ўзбекистоннинг энг кучли гроссмейстери ярим финалнинг иккинчи ғолиби англиялик Майкл Адамсни енгиши зарур. Ҳозирда 2731 коэффицент билан дунё рейтингининг кучли ўнлигидан жой олиб турган Адамс эса ўтган босқичда озарбайжонлик Теймур Ражабовни (2,5:1,5) енгганди.

6 июль куни бошланган финал учрашувининг илк партиясида дуранг натижа қайд этилди — 0,5:0,5. Агар финал баҳсининг қолган беш партиясида ҳам иштирокчилар дуранг ўйнасалар, унда чемпион номи 13 июль куни тезкор партиялар асосида ўтказиладиган тай-брекдан сўнг аниқланади.

Эслатиб ўтамиз, ФИДЕнинг мазкур жаҳон чемпионати 1998 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Ҳозирга қадар эса жаҳон чемпиони унвонини турли йилларда Анатолий Карпов (1998 йил), Александр Халифман (1999, иккаласи ҳам Россиядан), Вишванатан Ананд (2000, Ҳиндистон) ва Руслан Пономарёв (2002, Украина)лар қўлга киритган. Ҳар йили уюштирилган жаҳон чемпионати 2000 йилдан бошлаб икки йилда бир маротаба ўтказиладиган бўлди. ФИДЕнинг қарорига кўра, бу йилги чемпионат ғолиби машҳур Гарри Каспаров билан шоҳмот тожи учун кўп партияли учрашув ўтказади.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан



ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллалар, ўқув юртлари, мактаблар, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб келмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Авайхон» маҳалласида «Аёл ва жамият» мавзуида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлис депутатлари Ойниса Мусурмонова, Бўритош Шодиева ҳамда академик Машҳура Мавлоний, ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши биринчи котиби Раъно Сатторова ва партия фаоллари иштирок этдилар.

2-бет

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР, СУҲБАТЛАР МАВЗУИ —

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор, уларни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жабҳаларига йўналтириш, аёлларнинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган эди. Бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди ҳам. Лекин мамлакатимиз ривожланиш пиллапояларидан одимлар экан, хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, уларнинг савиясини, интеллектуал салоҳиятини юқори даражага олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу аснода Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши айни муддао бўлди. Мазкур Фармоннинг моҳияти ва унда белгиланган асосий вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари — партиянинг фаол аёллари мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида бўлиб тадбирлар ўтказдилар.

Парламентнинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси **Гулнора Йўлдошева** Самарқанд вилоятида бўлиб, Самарқанд шаҳар, Тойлоқ, Булунғур, Жомбой, Самарқанд, Ургут туманлари фаоллари билан учрашувлар ўтказди. Олий Мажлис депутати Фармоннинг ҳар бир бандига тўхталиб, бунинг ижросини таъминлашда ҳар бир оила, маҳалла, барча нодавлат нотижорат ташкилотлар масъул эканлигини уқтирди.

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзХДП аъзоси **Ойниса Мусурмонова** хотин-қизларнинг сиёсий маданиятини ошириш, мазкур Фармонни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоятларининг кўпгина туманларида бўлиб, учрашув, мулоқотлар ўтказди, турли семинарлар, «давра суҳбатлари»да иштирок этди. Жумладан, Самарқанд шаҳар, Ҳазорасп, Хива, Янгибозор, Тойлоқ ва бошқа туманлардаги маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари раислари, фаол аёллар билан бўлиб ўтган учрашувлар айниқса қизиқарли бўлди. Депутат Ўзбекистон Президенти Фармонининг ижроси таъминланишида хотин-қизлар, ёшлар, умуман кенг жамоатчиликнинг вазифалари алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис депутати **Бўритош Шодиева** Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Тошкент вилоятларининг кўплаб шаҳар ва туманларида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда учрашув, очиқ мулоқот, «давра суҳбатлари»ни ташкил қилди. Депутат қишлоқ, маҳаллалар хотин-қизлари, нуроний онахонлар билан учрашар экан, мазкур ҳужжатда белгиланган муҳим вазифаларни таъкидлаб ўтди. Хусусан, хотин-қизларнинг оилада ва жамият ҳаётида юксак мавқе ва салоҳиятга эга эканлиги, уларни рўёбга чиқариш, хотин-қизларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш, оилавий спортни ривожлантириш, мамлакат тараққиётида ҳар бир аёлнинг қобилият ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш, соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш каби муҳим масалалар ҳақида атрофлича гапириб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган хотин-қизлар, оналик ва болалик масалаларига тааллуқли қонунлар, кодекслар, парламент томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар ҳақида ҳам тўхталди. Лекин эътиборсизлик, ҳуқуқий савиянинг етарли эмаслиги туфайли уларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Натижада кўп муаммоларга дуч келинаяпти. Хусусан, енгил ҳаётга ўрганиб, турли хил носоғлом йўллар билан пул топишга ўтиб олган нопок аёлларнинг ҳам учраётгани, баъзи аёлларнинг турли бузғунчи гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолаётганликлари ҳамда ёш қизларни турмушга бериш, ёш оилаларнинг ажрашиб кетиш ҳолатлари ҳалигача мавжудлиги танқид қилинди. Президент Фармони ана шундай иллатларни бартараф этишга ҳам қаратилган.

Бўлиб ўтган учрашувларда юртимизнинг барча аёллари ўз ташаббус ва жўшқин фаолиятлари билан республика Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига кўмаклашишга даъват этилди. Чунки, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилмадир. Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, кўмаклашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият, замон талаблари даражасида ишчанлик қуйидан — шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Албатта, бу жараёнда юртимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг иштироки ҳам жуда муҳим.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Тадбиркорлик тузилмалари, кичик бизнес субъектлари ва хусусий корхоналар вакиллари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини қайта тузиш ва унинг асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республикада тадбиркорликнинг, энг аввало кичик ва хусусий бизнеснинг жадал ривожланишига, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатлами шаклланишига, хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини тубдан оширишга кўмаклашиш;

республика тадбиркорларига хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда, мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этиш, энг аввало кичик ва хусусий корхоналарни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун республикага тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб қилишда ёрдам бериш;

бошқа мамлакатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, Ўзбекистон тадбиркорлари делегацияларининг амалий ташрифларини ташкил этиш ва республикага хорижий тадбиркорларни таклиф қилиш, республикада ва чет элларда тадбиркорларнинг халқаро бизнес-анжуманлари, ишбилармонлар маҳсулотларининг савдо-саноат кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг турда хизмат кўрсатиш, жумладан, ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва инвестиция имкониятлари, шунингдек, бўлажак шериклар ва замонавий технологияларни харид қилиш имкониятларига оид ахборотни ўз ичига олган бизнес-каталоглар нашр этилишини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини сотиш учун чет эл бозорларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ёрдам берсин;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда Палатанинг қатор хорижий мамлакатларда ваколатхоналарини очиш ва уларнинг раҳбарларига дипломатик ходим мақомини бериш мақсадга мувофиқлиги хусусидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мамлакатимиз тадбиркорлари — Савдо-саноат палатаси аъзоларини минтақавий экспорт ва транзит товарлар (иш ва хизматлар) савдо оқимида фаол иштирок этишга жалб қилиш борасидаги ҳамкорлик ишларини ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий тузилмаларига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари — Палата аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан судларга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда улар давлат божларини тўлашдан озод этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш, Палатанинг таъсис съездини ўтказиш, Палата Уставини қабул қилишга оид ташкилий масалаларни ҳал қилишда кўмаклашсин;

бир ой ичида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида Ҳукуматнинг Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлашга доир қарорини ишлаб чиқиб, қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартдаги ПФ-1407-сонли «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 июль

БУЛОҚ СУВИ ЭКСПОРТГА

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ноанъанавий маҳсулотлар турлари ҳисобига ҳам ошириш мумкин. Бунга Навоий шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган Ўзбекистон — Голландия «NESTOR» қўшма корхонаси яққол мисолдир. Янги корхонада ўрнатилган замонавий ускуналар соатига 4,5 минг литргача шифобахш сувни қадоқлаш қувватига эга. Ишга туширилган биринчи навбат корхонасида ҳозирда 50 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи Голландия, Германия, Франция, Бельгия, Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Швейцария, Австрия, Испания, Португалия, Италия, Греция, Люксембург, Ирландия, Буюк Британия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Австралия, Янги Зеландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Мексика, Бразилия, Аргентина, Чили, Перу, Уругвай, Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Гватемала, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Ямайка, Гаити, Куба, Ливан, Сурия, Ливия, Миср, Марокаш, Тунис, Жазоир, Нигерия, Гана, Кот-д'Ивуар, Сенегал, Кения, Танзания, Замбия, Зимбабве, Ботсвана, Намибия, Мозамбик, Ангола, Конго, Габон, Камерун, Эфиопия, Сомали, Судан, Йемен, Оман, Қатар, Кувайт, Саудия Арабистони, Иордания, Ироқ, Афғонистон, Монголия, Вьетнам, Корея Халқ Демократик Республикаси, Хитой, Тайвань, Филиппин, Индонезия, Папуа — Янги Гвинея, Фиджи, Тонга, Самоа, Вануату, Соломон оролларига экспорт қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 15 июлдаги ПФ-3181-сонли Фармонига мувофиқ, ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорда ҳам кенг ўрин эгаллаган. Ҳозирда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу маҳсулотларни сотиш бўйича 100 дан ортиқ дистрибьюторлик шартномалари имзоланган.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ноанъанавий маҳсулотлар турлари ҳисобига ҳам ошириш мумкин. Бунга Навоий шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган Ўзбекистон — Голландия «NESTOR» қўшма корхонаси яққол мисолдир. Янги корхонада ўрнатилган замонавий ускуналар соатига 4,5 минг литргача шифобахш сувни қадоқлаш қувватига эга. Ишга туширилган биринчи навбат корхонасида ҳозирда 50 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи Голландия, Германия, Франция, Бельгия, Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Швейцария, Австрия, Испания, Португалия, Италия, Греция, Люксембург, Ирландия, Буюк Британия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Австралия, Янги Зеландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Мексика, Бразилия, Аргентина, Чили, Перу, Уругвай, Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Гватемала, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Ямайка, Гаити, Куба, Ливан, Сурия, Ливия, Миср, Марокаш, Тунис, Жазоир, Нигерия, Гана, Кот-д'Ивуар, Сенегал, Кения, Танзания, Замбия, Зимбабве, Ботсвана, Намибия, Мозамбик, Ангола, Конго, Габон, Камерун, Эфиопия, Сомали, Судан, Йемен, Оман, Қатар, Кувайт, Саудия Арабистони, Иордания, Ироқ, Афғонистон, Монголия, Вьетнам, Корея Халқ Демократик Республикаси, Хитой, Тайвань, Филиппин, Индонезия, Папуа — Янги Гвинея, Фиджи, Тонга, Самоа, Вануату, Соломон оролларига экспорт қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 15 июлдаги ПФ-3181-сонли Фармонига мувофиқ, ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорда ҳам кенг ўрин эгаллаган. Ҳозирда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу маҳсулотларни сотиш бўйича 100 дан ортиқ дистрибьюторлик шартномалари имзоланган.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ноанъанавий маҳсулотлар турлари ҳисобига ҳам ошириш мумкин. Бунга Навоий шаҳрида фаолият кўрсата бошлаган Ўзбекистон — Голландия «NESTOR» қўшма корхонаси яққол мисолдир. Янги корхонада ўрнатилган замонавий ускуналар соатига 4,5 минг литргача шифобахш сувни қадоқлаш қувватига эга. Ишга туширилган биринчи навбат корхонасида ҳозирда 50 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи Голландия, Германия, Франция, Бельгия, Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Швейцария, Австрия, Испания, Португалия, Италия, Греция, Люксембург, Ирландия, Буюк Британия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Австралия, Янги Зеландия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Мексика, Бразилия, Аргентина, Чили, Перу, Уругвай, Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Гватемала, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Ямайка, Гаити, Куба, Ливан, Сурия, Ливия, Миср, Марокаш, Тунис, Жазоир, Нигерия, Гана, Кот-д'Ивуар, Сенегал, Кения, Танзания, Замбия, Зимбабве, Ботсвана, Намибия, Мозамбик, Ангола, Конго, Габон, Камерун, Эфиопия, Сомали, Судан, Йемен, Оман, Қатар, Кувайт, Саудия Арабистони, Иордания, Ироқ, Афғонистон, Монголия, Вьетнам, Корея Халқ Демократик Республикаси, Хитой, Тайвань, Филиппин, Индонезия, Папуа — Янги Гвинея, Фиджи, Тонга, Самоа, Вануату, Соломон оролларига экспорт қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 15 июлдаги ПФ-3181-сонли Фармонига мувофиқ, ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорда ҳам кенг ўрин эгаллаган. Ҳозирда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ушбу маҳсулотларни сотиш бўйича 100 дан ортиқ дистрибьюторлик шартномалари имзоланган.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Бир кунгина олдин Жайхун — Амударёнинг у қирғоғидан, бугун эса бу қирғоғидан хушхабар келди:

ЎЗ ДОНИМИЗ — ЎЗ НОНИМИЗ

«Ғалла — 2004»

Мамлакатимиз хирмони бугун салкам 2 миллион тонналик (97,8 фоиз) тош босди

— **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАР** давлатга 50 минг 814 тонна сара дон топшириб, йиллик шартномавий режаларини ошириб адо этдилар, — деб қўнғироқ қилди **мухбиримиз Реймбой Ешимбетов.** — Қўнғирот, Кегейли, Чимбой, Шуманай, Қораўзак, Тахтакўпир туманлари ғаллакорлари мавсумда пешқадамлик қилдилар. Ўнлаб ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнерни ташкил этди.

ХОРАЗМдан олинган хабарга кўра, лафзи ҳалол вилоят миришкорларининг шартномавий режаларини ошириб бажаришларида оилавий пудратчилар ва деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳиссаси айниқса катта бўлган.

Мавсумда Гурлан, Шовот, Боғот, Хазорасп, Хива, Урганч, Янгиариқ туманлари эришган юқори ҳосилдорлик кўрсаткичлари вилоятнинг 43 минг 721 тонналик чўнг хирмонига қут-барака киритди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 39,7 центнердан тушди.

Телефаксдан яна икки хушхабар: **САЙХУН ХИРМОНИ ҲАМ ТЎЛДИ**

...**СИРДАРЁ** вилоятининг 150 минг тонналик катта ғалла хирмонига Сардоба, Оқолтин, Боёвут туманлари муносиб ҳисса қўшдилар. Чўл тупроқ шароити ва иқлимига мос «Дўстлик» буғдой навини эккан Сирдарё, Сайхунобод, Ховос, Боёвут, Гулистон туманларининг илғор хўжаликлари гектар бошига 50-70 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар...

ЗАРАФШОН СОҲИЛЛАРИ ҲОСИЛИ

САМАРҚАНДЛИКЛАР учун бу йилги ғалла ўрим-йиғим мавсуми ҳар қачонгидан бараКали келди. Ғаллакорлар қайта ишлаш корхоналарига 250,9 минг тонна дон етказиб беришди. Мавжуд 156,7 минг гектар майдондан кўтарилган ялпи ҳосил ҳозиргача 605 минг тоннани ташкил этди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги ўртача 32 центнердан бўлди. Пастдарғом, Пайариқ, Иштихон, Нарпай, Оқдарё туманларида бу кўрсаткич 55 центнерга етди.

✧✧✧

Мамлакатимизнинг ҳар учала жўшқин дарёлари бўйларида жойлашган тўрт ҳудуд ғалла пайкалларида ўрим-йиғим ишлари ҳали қизғин давом этмоқда. Айни пайтда экиндан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, ўрнига такрорий ва оралиқ экинлар экиш ишлари жадал бошлаб юборилди.

Хуллас, «Ғалла — 2004» мавсуми республикамизнинг барча вилоятларида муваффақиятли бораяпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ғаллачилик бошқармаси маълумотларига кўра, бугунгача Қорақалпоғистон Республикаси ва 9 та вилоят ўз шартномавий режаларини ошириб адо этдилар.

Хирмонингизга барака, азиз ғаллакорлар!

Газетамизнинг «Ғалла — 2004» штаби навбатчиси Замон АЛИ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Учрашувда маҳалла хотин-қизларига Фармоннинг моҳияти ва унинг жойлардаги ижроси тўғрисида кенг тушунтириш берилиб, улар ҳар жабҳада фаол бўлишга чақирилди.

Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмонова хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини оширишда дунёвий билимларни чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ҳозирги кунда аёллар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик иллатларини ҳам томир отаётганлиги ва уларнинг олдини олишда бутун жамоатчилик ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозимлиги айтилди. Баъзи хотин-қизларимизнинг эса кўр-кўрона диний ақидаларга берилиб кетаётганлиги ачинарли ҳол. Маҳаллаларда жорий этила бошланган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича тарғиботчи аёллар бу иллатнинг камайиши ва йўқолишига ўзларининг ҳиссасини қўшадилар.

Учрашувда иштирокчиларга икки палатали парламент моҳияти ва унинг вазифалари ҳақида тушунчалар, саволларга жавоблар берилди.

Тадбир якунида шоира Мусаллам Умирова ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоятидаги барча — 871 бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етди. Биргина Пешку туман машина-трактор парки бошланғич партия ташкилотининг фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Вилоят бўйича ўтган йиғилишларда 17760 партия аъзоси иштирок этди, 18 та ташкилотда котиблар ўзгартирилди, 14 та партия ташкилотида муассаса раҳбарлари котиб этиб сайланди.

●●●

Қўшкўпир туманидаги Аз-Замахшарий номли ширкат хўжалигида жойлашган «Ҳумо» болалар оромгоҳида «Табиатни асрайлик», «Ким чаққону, ким эпчил» каби кўрик-танловлар ўтказилди. Беллашувлар ғолибларини моддий-маънавий рағбатлантириш ишларига туман партия кенгаши ҳомийлик қилди.

●●●

Марҳамат туман партия кенгаши котиби, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати А.Абдужабборов ҳамда шу Кенгаш депутати К.Аҳмедовлар ўз сайловчилари билан учрашиб, уларга ҳисобот бердилар.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистонда ҳам аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида ўн йиллар давомида муаммо бўлиб келган ишлар бажарилди. Жумладан, Нукус, Оқманғит, Чимбой, Бўстон шаҳарлари, Қораўзак туман маркази водопровод тармоқлари Туямўйин магистраль сув ўтказгичига уланди.

БМТнинг Ўзбекистондаги «Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» дастури асосида Жаҳон банки ва иқтисодиётни ривожлантириш Қувайт жамғармаси ёрдами билан Қизкеткен посёлкасида сув тақсимлаш иншооти ишга туширилди. Ўтган йили «Қорақалпоқсувоқава» ташкилоти томонидан 371 миллион 948 минг сўмлик водопровод қурилиш ишлари бажарилиб, 5,7 км. сув қувурлари фойдаланишга топширилди.

Аммо, бу ҳали мавжуд қувурларнинг ҳаммасидан сув оқаяпти, ичимлик суви муаммоси йўқ, дегани эмас. Ишдан келасиз-у чой қўйиш учун жўмракни бурайсиз, лекин ундан бир томчи ҳам сув тушмайди... Сабаби нима, айбдор ким?

СУВСИЗ ҚУВУРЛАР

Баҳор келиб кунлар исиши билан Тўрткўлдаги айрим маҳаллаларда сув муаммоси пайдо бўлади: одамлар челак кўтариб кўча бошидаги қўшнисиникига, ғалтак-арава ёки машина юкхонасига идишлар солиб, қўшни маҳаллаларга ўтишади.

Тўрткўл шаҳар сув тармоқлари идораси бошлиғи Рўзмамат РЎЗИМЕТОВ бу борада бизга ўзига хос кузатув ўтказишни маслаҳат берди:

— Ёмғир ёғиб ўтгандан сўнг сув бормаётган ўша қувурларни яна бир кўринг...

Ёмғир кўп куттирмади. Баҳор ўрталарида икки кун давом этган кучли жаладан сўнг... ишонасизми, улардан сув шу қадар юқори босим билан оқди-ки...

Матбуотда, телевидениеда дунёда ичимлик суви заҳираси камайиб бораётганлиги ва уни тежаб-тергаб ишлатиш лозимлиги ҳақида тинмай гапирилади. Масалан, тасаввур этишингиз учун келтираётган мана бу лавҳаларни телевизор орқали сиз ҳам томоша қилган ва эшитган бўлсангиз керак: сувни тежаш учун идиштовоқ, кир-чир ва тишларингизни қандай усулда ювиш кераклиги... буюмларни жўмрак остида эмас, тоғорадаги сувда тозалаш зарурлиги, кранни бирпас очиб қўйсангиз 60 литр сув исроф бўлиши ва ҳоказо. Бу насиҳатлар кимгадир таъсир қилар, кимгадир йўқ. Яна биров эса шунчаки қўл силтаб қўяқолар. Аммо келтирилган мисоллар томорқаларни суғоришга сарф бўлаётган сув миқдори олдида ҳеч гапмас.

— Меъёр бўйича Тўрткўл шаҳрига кунига 2800-3200 кубометр сув етарли, — дейди Р.Рўзиметов. — Аммо ёз ойларида бу рақам 9 минг кубометрга чиқади. Шунда ҳам шаҳарнинг айрим жойларидаги қувурлардан сув оқмаётганлиги ҳақида кўплаб шикоятлар оламиз.

Сабаби битта — аҳоли томорқасини суғориш учун кўпроқ ичимлик сувидан фойдаланяпти. Сирасини айтганда, бу манзара фақат Тўрткўлгагина хос эмас.

— Идорамизда 37 нафар ходим ишлайди, — давом этди у. — Шулардан 12 нафари навбати билан сменада туришади. 5500 хонадонни сув билан таъминлаймиз. Бу рақамлардан кўриб турибсиз-ки, аҳолининг ичимлик сувидан қандай фойдаланаётганини тўла назорат қилиш имкони йўқ. Аммо текширишларни тез-тез ўтказиб, «гуноҳ» устида ушланган хонадон эгаларига жарима соламиз-у, аммо бу иш ривожига ижобий таъсир бериши амри маҳол...

...Ўтган йил Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги бир неча хонадон эгаларига жарима солинди. Улар 300 миллиметрлик магистрал қувурлардан сув олиб, 10-15 сотихлик боғларини суғораётган эканлар. Жаримадан кейин яна икки ой ўтиб «ўғирлик» устида қўлга тушганларида водопроводчилар қаттиқроқ чора қўллашди: қувурларни узиб, сув таъминотини тўхтатиб қўйишди. Кейин нима бўлди? Улар сувни қўшниларидан олиб томорқа суғоришда давом этишди. Ўзга илож йўқ: эшиклари олдида учтўртта дарахт, шапалоқдек ерда гул ўстиришни исташганлар кўп. Арикдан оқар сув келса-ку, ким ҳам водопроводга шланг улаб ўтирарди?

Аммо назоратни қойилмақом амалга оширадиган омил бор: бу — сув ҳисоблагич мосламаси.

— Нукус шаҳрининг 22 кичик туманида сувдан фойдаланишни ўлчаб кўрганимизда аҳоли меъёридан 50-60 фоиз кўп сув истеъмол қилаётганини аниқладик. Масалан, шу йилнинг 2 март куни шаҳарга 42 минг кубометр сув берилган бўлса, 3 апрель куни бу рақам 93 минг кубометрга етди, — дейди **«Қорақалпоқсувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Максет Ережепов.** — Сув ҳисоблагич мосламалари ўрнатилган хонадонларда эса жон бошига бир кеча-кундузда меъёрдаги 230 литр ўрнига 80-100 литр сув истеъмол қилинаяпти.

Ҳисоблагичлар аҳолининг ўзига (чиқими енгиллашиб) манфаат келтирганидан ташқари таъминотчилар учун ҳам фойдаси бор: дебитор қарзларга барҳам берилади. Ҳозир Тўрткўл шаҳри аҳолисининг ичимлик сувидан 49 миллион сўмдан ошиқ қарзи бор. Қорақалпоғистон бўйича бу рақам салкам бир миллиард сўмни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан бирлашма томонидан бугунгача бу ерда атиги беш минг хонадонга сув ҳисоблагич мосламалари ўрнатилгани афсусли ҳол, албатта.

Яна бир гап: сув ҳисоблагич мосламалари ўрнатиш хоҳишидаги истеъмолчилар кўпинча кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида истиқомат қилувчилар бўлишаяпти. Пастки қаватда томорқачасини суғораётганларнинг исрофгарчилиги туфайли уларга кўп ҳолларда сув етиб бормаяпти. Ҳисоблагич ўрнатиш мақсадида келган сувсозлар эса пастки қаватлардаги хонадонлар эшигини маҳаллақўм ва милиция вакиллари билан очтиришга «муваффақ» бўлишмоқда...

Бу ҳолатлардан маълум бўлаяптики, мавжуд қувурлардан сув оқмаслигига истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам сабабчи. Муаммони ҳал қилишнинг йўли битта — ёппасига ҳисоблагич мосламалари ўрнатиш. Сувсозлар ҳисоб-китобига кўра, ундан тежаб-тергаб фойдаланилса, бир йилга етмай жиҳозлар пулини чиқариб олиш мумкин, кейин эса у фақат фойда бера бошлайди. Қолаверса, бир вақтлар аҳоли газ ҳисоблагич мосламаларига ҳам шундай муносабатда бўлган эди. Ҳозир эса газ таъминоти идораларида ҳисоблагич ўрнатиб беришни сўраб ёзган аризалар кўп... Вақти келиб сув ҳисоблагич фойдасини ҳам тушуниб етганлар кўпайиб қолишади. Аммо ҳозирча бу ишни тезлаштириш кимнинг вазифаси?

Шу ўринда бир савол: «Қорақалпоқсувоқава» раиси М.Ережепов тақдим этган бир фактга кўра, Жаҳон банкидан олинган кредитга харид қилинган 8 мингдан ошиқ сув ҳисоблагич мосламалари бир йил бўлдики, ўрнатилганича йўқ — юқоридан рухсат керак эмиш... Бу орада уларнинг кафолат муддати ўтиб кетмайдими?

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

Жамоатчилик фикрини ўрганиш, тадқиқ этиш, шу асосда давлат ва жамиятни бошқариш фуқаролик жамиятининг асосий қирраларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ислоҳотларни амалга ошириш, давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки аввалambор, жамоатчилик фикрида ўз аксини топади.

Хўш, бугун мамлакатимизда жамоатчилик фикрини ўрганиш масаласи қай аҳволда? «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази қандай ишларни амалга оширмоқда?

Мухбиримиз шу ва бошқа масалалар юзасидан марказ директорининг ўринбосари Озод ОТА-МИРЗАЕВга мурожаат этди.

ИЖТИМОИЙ

ЁКИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — ЖАМИЯТИМИЗДА

— Маълумки, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот сифатида 1997 йилда ташкил этилган эди. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва олинган хулосаларни ошкор этиш маънавий етук, сиёсий фаол шахсларни камол топтириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро муносабатларини жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, жамиятни демократлаштиришнинг самарадор механизмларидан биридир. Айнан ушбу мақсадни амалга ошириш учун «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилган эди.

Марказ фаолиятининг асоси мамлакат тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларига тааллуқли жамоатчилик фикри тенденцияларини тизимли равишда аниқлаш, таҳлил қилиш ва кенг қамровли ўрганишдан иборатдир.

Шу вақтга қадар марказ томонидан жамиятимиз ҳаётининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалари бўйича 150 дан ортиқ комплекс, кенг қамровли социологик тадқиқотлар ва экспресс-сўровлар ўтказилди. «Оила ва маънавият», «Оила ва жамият: миллий ва умуминсоний қадриятлар», «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Миллий ўзликни англаш», «Ўзбекистон аҳолисининг диндорлик даражаси», «Мустақил Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий фаоллик, маънавият, келажак режалари» ҳамда бошқа номдаги турли тадқиқот ва сўровларда республиканинг 6135 та маҳалла ва 2967 та қишлоқ фуқаролар йиғини қамраб олинди.

Шунингдек, маҳаллий ва хорижий ташкилотлар буюртмаларига биноан ҳам доимий равишда тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Масалан, Германиянинг Фридрих Эберт номли жамғармаси буюртмасига биноан «Германия ўзбекистонликлар нигоҳида», «Ўзбекистонликнинг ижтимоий қиёфаси», «Ўзбекистон аҳолиси ҳаётида ислом динининг ўрни», «Мустақил Ўзбекистон аёли» каби тадқиқотлар, вилоят ҳокимликлари буюртмасига биноан «Маҳаллий ҳокимият органлари жамоатчилик фикри кўзгусида» номли ва бошқа тадқиқотлар ўтказилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримов бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмагани, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг белгисига айланиб улгургани-ни таассуф билан қайд этган эди. Шундан сўнг марказ қандай хулосалар чиқарди ва амалиётда қандай ўзгаришлар содир бўлди?

— Фаолиятимизни нафақат жамоатчилик фикрини ўрганиш методика ва методологиясини такомиллаштиришга, балки жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳам қаратдик. Ушбу мақсадда марказ қошида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Халқ таълими вазирлиги, «Маънавият ва маърифат маркази», Файласуфлар миллий жамияти, «Оила» илмий-амалий маркази билан биргаликда «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» номли доимий фаолиятдаги илмий-амалий семинар ташкил этилган.

Ҳар уч ойда бир марта бўлиб ўтадиган бу семинарда социолог, файласуф, сиёсатшунос ва бошқа олимлар томонидан жамоатчилик фикри социологиясининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинади, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг механизмларини янада такомиллаштириш борасида амалий маслаҳатлар ва таклифлар ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, бир қанча давлат, нодавлат ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда «Жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг кўзгуси» «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри: фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўрни ва аҳамияти» каби мавзуларда илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

— Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаётимизнинг кўзгусига айлана олмаётганининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Жамоатчилик фикрини ўрганиш билан жамоатчилик фикрини шакллантириш ўртасида муайян фарқ ва ўзига хосликлар бор. Одатда, демократия тартиботлари мустаҳкам анъанага айланган давлатларда ўрганилган жамоавий фикр ва кайфиятлар оператив тарзда кенг омма эътиборига етказиб борилади.

БОШ МАВЗУ — ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгаш аъзолари ҳамда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмалари раислари иштирок этди.

Мажлис кун тартибига қўйилган масала бўйича масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларининг қай даражада бажарилаётганлиги, мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар юзасидан фикр билдирдилар.

Моҳрў РЎЗМОНОВА



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Томди туманидаги «Жақа Шаруа» наслчилик ширкат хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти очилди.

Янги шифо масканида физиотерапия, акушерлик, терапия ва бошқа бўлимлар мавжуд бўлиб, бу ерда икки минг аҳолига хизмат кўрсатилади. Эндиликда хўжалик аҳолисининг узоғи яқин бўлиб, узоқ марказга боришнинг ҳожати қолмади.

Суратларда: даволовчи шифокорлар; янги даволаш пункти.



Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

МЕБЕЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

«Наманганмебель» акциядорлик жамиятида мактаб, мактабгача таълим муассасалари, академик лицей ҳамда коллежларни замонавий мебель, ўқув жиҳозлари ва спорт анжомлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида кўргазмали семинар ўтказилди.

Корхонанинг шинам кўргазмалар залидан «Наманганмебель», «Мехмаш» акциядорлик жамиятлари, «Дизайн мебель» масъулияти чекланган жамияти ҳамда бир қатор хусусий фирмаларнинг маҳсулотлари ўрин олди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари, бир қатор мактаб, коллеж раҳбарлари ва таъминотчи ташкилотлар мутасаддилари кўргазмага қўйилган жиҳозларни кўздан кечирдилар ҳамда ўзлари учун зарур жиҳозларга буюртмалар бердилар.

Кўргазманинг ўтказилишидан мақсад битта — фарзандларимизнинг пухта билим олишлари учун ҳар томонлама қулайлик яратиш, шу тариқа Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлашдир.

(Ўз мухбиримиз)

Ватан сарҳади

ЮРТ БЕДАРВОЗА ЭМАС

Андижон вилояти божхона бошқармасига қарашли «Дўстлик» божхона назоратидан ўтказиш комплекси икки қардош давлат — Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаларини бир-бирига боғлаб турувчи «Буюк ипак йўли» бўйида жойлашган. Эндиликда бу йўл «Тошкент — Андижон — Ўш — Эркештом — Қашқар» халқаро автомобиль йўли деб аталмоқда. Мазкур комплекс орқали кунига минглаб икки давлат фуқаролари бир-бирларининг ҳудудига ўтиб турадилар. Аммо мазкур божхона назоратида ўндан ортиқ айланма йўллар мавжуд бўлиб, баъзи бир «учар»лар ўша йўлларга ўзини уришади. Жорий йилнинг ўтган даврида комплекс ходимлари ана шундай шахслар томонидан 329 та божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатларини аниқлашди. Умумий қиймати 69 миллион сўмдан зиёд товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Маълумки, айрим юртдошларимиз мўмай даромад топиш мақсадида қўшни давлатларда тақчил бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, рангли ва қора металл парчалари ҳамда бошқа истеъмол товарларини айланма йўллар орқали олиб ўтиб, сотишга уринмоқдалар. Йилнинг ўтган даврида 5800 литр ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, 90244 килограмм рангли ва қора металл парчалари, 2880 килограмм минерал ўғит, 3,2 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари четга олиб чиқиб кетилишининг олди олинди. Жумладан, Жалақудуқ туманида яшовчи З.Собиров 315 килограмм рангли метални, хўжаободлик О.Нурматов 470 литр дизель ёнилғисини, булоқбошилик М.Жўраева 85 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, Андижон шаҳрилик С.Ғофуров эса 8 қопдаги унни айланма йўллар орқали Қирғизистон Республикасига олиб ўтаётганларида тўхтатиб қолиндилар. Шунингдек, икки ҳолатда гиёҳвандлик моддасининг яширинча олиб ўтилиши аниқланди. «Ажал ташувчи»лардан 55,8 грамм гиёҳванд моддаси олинди.

Юрт бедарвоза эмас. Унинг барча бойликлари халқники. Бунга хиёнат қилувчилар қонун олдида жавоб берадилар.

Улуғбек ЙЎЛДОШЕВ,
Андижон вилояти божхона бошқармаси «Дўстлик» божхона комплекси бошлиғи.

ГЕРМАНИЯДАГИ

ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКЛАР БОРМИ? БОР БЎЛСА, УЛАР ҚАЧОН

Ҳозир Германия аҳолиси (85 млн.га яқин)нинг салкам 10 фоизини чет элликлар ташкил қилади. Булар орасида туркларнинг 2 млн.ли диасфораси асосий хорижликлардир. Италянлар, греклар, марокашлар, араблар, эронийлар, яҳудийлар, испанлар, славянлар, қозоқлар ва ҳатто лўлилар ҳам Германияда кўп учрайди. Улар ҳақида тегишли расмий маълумотлар бисёр. Германияда ўзбеклар ҳам бормикан, деган хаёлда кўплаб расмий маълумотномаларни эринмай қараб чиқдим. Афсус, бирортасида ҳам ўзбек миллатига мансуб фуқаролар ҳақида маълумот топилмади. Демак, Германияда ўзбеклар йўқ экан-да?! Лекин бу фикр ҳам янглиш чиқди: ўзбеклар бор экан.

Хўш, унда улар қачон ва қай шароитда Германияга бориб қолишган?

Маълумки, дунёнинг қайси бир бурчагида яшамасин ўзбекларнинг ҳеч бир авлоди нафсини қондириш мақсадида Ота юрти, Она Ватанини тарк этмаган. Нон топиш учун эмас, жон асраш учун ўзининг азиз ерини, қариндош-уруғини ташлаб кетишга мажбур бўлишган улар. Германияда яшовчи ўзбекларни бир неча авлодга ажратиш мумкин. Илк авлод вакиллари орасида Сайдали Хўжа Усмонов, Аҳмад Шукрий, Саттор Жаббор, Аҳмаджон ва Абдумажид Иброҳимовлар, Абдувоҳоб Исҳоқов, Тоҳир Шокир, Вали Қаюмхон, Азимбек Беримжон каби 60 дан ортиқ ўзбек йигитлари, Марям Султонмуродова, Хайринисо Мажидхонова, Саида Шерахмад қизи, Шамсулбанот Идрисий каби қизлар бор эди. Бу ёшлар Европанинг ўша даврдаги энг ривожланган мамлакати ҳисобланган Германияга таҳсилга жўнашдан олдин Самарқандга бориб, Соҳибқирон Амир Темур сағанаси олдида тиз чўкиб, миллат тақдири учун курашаман, деб ваъда берганлар. Шоир Фитрат уларни Германияда яхши ўқишга, келгусида ўз юртларига етук мутахассис бўлиб қайтиш ва Юрт истиқболи учун фидойи ватанпарвар сифатида хизмат қилишга даъват қилган.

Германияда яшаган ўзбекларнинг биринчи ана шу авлоди тўғрисида Шерали Турдиевнинг мақола ва китобларида батафсил маълумотлар берилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Файзулла Хўжаев, Фитрат, Турор Рисқулов каби ватандошларимиз томонидан 70 нафарга яқин ўзбек йигит-қизлари Германияга ўқишга юборилган эди. Улар Германиянинг Берлин, Бонн, Дрезден, Ҳамбург, Ҳайделбург, Лайпциг каби турли олий ўқув юртларида таҳсил ола бошлаганлар. Ўқишни вақтлироқ битириб, юртига қайтган ўша ёшларнинг аксарияти «герман ҳукуматига жосусликка ёлланганликда» айбланиб, қатағон қилинган. Ана шундай даҳшатли тақдир ва қатағондан хабар топганлар Германияда қолиб кетишга мажбур бўлган. Уларнинг ичида энг машҳури марҳум Вали Қаюмхон эди. У олмон профессори Г.Менде раҳбарлигида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиб, иккинчи жаҳон урушига қадар турли университетларда ишлаган. У умрининг асосий қисмини Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатини фош қилувчи асарлар ёзишга бағишлаган. Ҳозир марҳумнинг фарзандлари Дюсселдорфда яшайди.

Турли сабаблар билан Германияда қолиб кетган ватандошларимиздан бири Мюнхенда яшовчи Сатторали Бобозода билан танишиш бахтига муяссар бўлганман.

1992 йили Москвада докторантурада таҳсил олардим. Москва Лингвистик университетидан Германияга хизмат сафарига юборишди. Шу, қаерга борсам, қабристонларни зиёрат қилиш одатим бор. Ўшанда Мюнхендаги мусулмонлар қабристонини топиб, зиёрат қилиб юргандим, қабртошлардан билефон қилсам, ҳақиқатан ҳам ватандошимиз тирик экан. Учрашадиган бўлдик.

Сатторали ака кўзда ёш билан бошидан ўтказганларини: иккинчи жаҳон урушида асирга тушиб қолгани, концлагерларда тортган азоблари, Ўрта осиёлик минглаб мусулмонларнинг (суннат қилинганлиги сабабли) яҳудийликда гумон қилиниб, ўлдириб юборилганлиги ва охир-оқибатда Вали Қаюмхоннинг Германия ҳукуматига мурожаати асосида уч юз мингга яқин Ўрта осиёликларнинг концлагерлардан озод қилиниб, алоҳида меҳнат армиясига ўтказилганлигини сўзлаб берди. Шунингдек, у урушдан кейин Германияда қолиб кетгани, бир немис қизига уйланган, ундан фарзанд бўлмагани учун «ўлсам, менга қабр тоши қўйиш кампиримга малол келмасин», деб ўша қабристондан икки квадрат метр ерни сотиб олиб, ўзига тош ҳам ўрнатиб қўйганини йиғлаб-йиғлаб гапириб берди. «Ўлсам, бирор киши ўлган куним ва йилимни ёзиб қўяр», — деди мусофир ҳамюртимиз. Биз суҳбатлашиб ўтирганда аканинг умр йўлдоши, фарғоналик ажойиб палов пиширибкелдилар. У киши бизнинг урф-одатимизни яхши биларкан.

Сатторали ака Германияда ўзбеклар кўплигини, аммо аксарияти миллатини олмон, деб ҳатто исми-шарифларини ўзгартириб, ҳужжатлаштиришганини айтганида маълумотномаларда ўзбекларнинг йўқлиги сабабини яна бир карра тушуниб етдим. Умуман, ўзбек ҳарбий асирлари ҳақида гап кетганда, тарих фанлари доктори, профессор Шуҳрат Маҳмудбековнинг қуйидаги сўзларига қўшилмасликнинг иложи йўқ: «Ҳарбий асирликда бўлган ватандошларнинг тақдири ҳам ниҳоятда оғир кечди. Улар ҳамма жойда таъқиб этилди, кўпчилиги махсус лагерга «жойлаштирилиб», турли қийноқларга дучор қилинди. Уларнинг ҳаммаси немис асирлигига фавқулодда ҳолатларда, оғир ярадор бўлган ёки қуршовда қолиб кетган ҳолларда тушганлар. Уруш давридаёқ, Сталиннинг 270-рақамли буйруғи эълон қилиниб, унга кўра немисларга асир тушганларнинг барчаси хоин ҳисобланган».

«Туркистон легиони»га баҳо берилганда унинг 300 мингга яқин туркистонликни фашизм жаҳаннамидаги муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолганлигини инобатга олиш зарур. Ҳозирги кунда ана шу иккинчи авлод ўзбеклари Германияда анчагина. «Миллий Туркистон» жамияти Мюнхенда кўп йиллар фаолият кўрсатган.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ҚАЙ ДАРАЖАДА ЎЗ АКСИНИ ТОПАЯПТИ?

Бу ҳолат жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уни шакллантириш жараёнларини мақсадли тизимга айлантириш имкониятларини яратади. Аммо, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари кенг миқёсда амалга оширилаётган бўлса-да, уни аҳолининг турли табақалари эътиборига етказиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида жамоатчилик сафарбарлигини юзага келтириш масалалари оқсамоқда. Ҳолбуки, кенг жамоатчиликка ўрганилган ижтимоий ҳолатлар натижаларини етказиш орқали аҳоли фаоллиги ва сафарбарлигини кучайтириш учун мамлакатимизда катта имкониятлар бор. Масалан, республикамиздаги оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини кенг аҳоли эътиборига етказиш борасида етарли даражада фаоллик кўрсатяпти, деб бўлмайди.

— Социологик сўровлар (тадқиқотлар) натижаларини қабул қилишга аҳолининг тайёргарлик даражаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Ялпи социологик сўровлар ўтказиш тажрибаси мамлакатимизда истиқлол йилларида бошланди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида аҳоли вакиллари анкета саволларига жавоб беришда муайян маънавий-руҳий қийинчиликка тушган, аксарият саволларга холис жавоб беришга чўчиброқ турганлар. Бугунги кунда бундай ҳолатлар ортда қолди. Эндиги респондентлар (социологик сўровларга жавоб бериш учун танланган шахслар) анкета саволларига ҳеч бир иккиланишларсиз, холис ва дадил жавоб бермоқдалар. Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Ижтимоий фикр» маркази фаолият юритаётган йиллар мобайнида турли йўналишлардаги социологик сўровларга 200 мингдан зиёдроқ киши жалб этилди. Бу миқдор эса мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 1 фоизини ташкил этади. Таққослаш учун айтиш мумкинки, Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон сингари давлатларда бу кўрсаткич 0,5-0,6 фоиздан ортиқ эмас.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда аҳолининг турли табақалари орасида социологик сўровлар ўтказиш, турли масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари одатий ҳолга айланган дейишга ҳақлимиз. Бу эса мамлакатимизда демократия тамойиллари мустаҳкам илдиз отаётганлигининг нишонасидир.

Ўзбекистонда социологик сўровлар ўтказишнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, халқимиз вакиллари аксарият ҳолларда атрофдагиларга, жамоага қараб фикр юритишга мойил. Шу боисдан ҳам социологлар учун мураккаб ҳолатлардан бири жамоа фикрини ўзида мужассамловчи шахсларни танлай билиш ва уларнинг фикр-хулосалари билан умумий сўровлар натижаларини қиёсий тахлил этишдан иборат. Айни чоғда халқимиз менталитетига хос бўлган — ижобий ибратга мойиллик, саховатлилик, сабр-бардош, келажакка умид билан қараш, шукроналик, бағрикенглик фазилатлари социологик сўровлар жараёнида табиийки, ўз таъсирини кўрсатади. Яъни ҳамма нарса яхши деган фикрни айтиш «баъзи камчиликлар ҳам бор» деган фикрни билдиришдан бир неча ҳисса осонроқ изҳор этилмоқда.

— Халқаро ташкилотлар билан алоқалар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Марказ жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида фаолият юритаётган олимлар, жумладан, хорижий мутахассислар, халқаро ташкилотлар билан фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борадаги фаолият уч йўналишда олиб борилади:

— социологик тадқиқотлар ўтказиш;

— конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил қилиш;

— мақолалар тўпламлари, конференция ва семинарлар материаллари ҳамда брошюраларни ҳамкорликда нашр қилиш.

1998 йилдан бошлаб ЮНЕСКО ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси билан яқин ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз.

Марказ Инсон ҳуқуқлари миллий маркази билан биргаликда «Жамоатчилик фикри. Инсон ҳуқуқлари» номли чораклик журнал нашр этади.

Марказнинг устувор вазифаларидан бири — юқори малакали социолог кадрлар тайёрлашда иштирок этишдир. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб марказ ҳузурида Ўзбекистон Миллий университетининг социология кафедраси филиали очилган. Бу эса, ўз ўрнида талабаларга социологик тадқиқотларда бевосита иштирок этиш ва олган назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятини беради.

Бундан ташқари Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўртасида келишув мавжуд. Унга мувофиқ, академия тингловчилари билан ҳар чоракда турли учрашувлар, сабоқлар ўтказилади.

— Келажакдаги режалар ҳақида ҳам ахборот берсангиз, марказ бугун қандай лойиҳалар устида ишламоқда?

— Марказ учун фуқароларнинг юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга муносабатини ўрганиш устувор вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлилигини ҳисобга олсак, шак-шубҳасиз, миллий жамоаларнинг ватанпарварлик кайфиятларини, уларнинг ижтимоий адолатли ва миллатлараро ҳамжиҳатли жамиятни қуришдаги ҳиссасини очиб берадиган мавзулар муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

«Ижтимоий фикр» маркази фаолиятининг истиқболдаги асосий вазифалари — маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат, миллатлараро муносабатлар, диний онг, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги соҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шулар асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг маънавий-маърифий асосларини шакллантириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш борасида амалий маслаҳатлар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Беҳзод ШУКУРОВ суҳбатлашди

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 2004-2005 ўқув йили учун бакалавриат ва магистратурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёдаги етук, малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича йирик олий илмий ўқув масканидир.

Университетда қўйидаги 35 та йўналиш бўйича бакалавр кадрлар тайёрланади:

санъатшунослик, миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари, филология (тиллар бўйича): **ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили, рус тили, тарих** (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), **фалсафа, сиёсатшунослик, психология, социология, журналистика, архившунослик, иқтисодиёт** (тармоқлар бўйича), **менежмент** (соҳалар бўйича), **бизнес, юриспруденция, биология, физика, механика, астрономия, кимё, география, гидрометеорология, геология, радиопрепаратлар ва ядровий технологиялар, математика, статистика, амалий математика ва информатика, информатика ва ахборот технологиялари, лазер техникаси ва лазер технологиялари** (тармоқлар бўйича), **геодезия, картография ва кадастр, агрокимё ва агротупроқшунослик, экология ва табиатдан фойдаланиш.**

Уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагогик кадрлар давлат грантлари ва тўлов контрактлари асосида махсус сиртқи бўлим бўйича: **ўзбек тили; география; информатика ва ахборот технологияси** бўлимларига қабул қилинади.

Қуйидаги 109 та ихтисослик бўйича магистрлар қабул қилинади: **адабиётшунослик; ўзбек адабиёти; рус адабиёти; лингвистика: ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили, рус тили; таржима назарияси ва амалиёти; адабий манбашунослик ва матншунослик; ватан тарихи; умумий тарих; тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари; археология; этнография; фалсафа тарихи; эстетика; ижтимоий фалсафа; замонавий ғарб фалсафаси ва тарихи; фан фалсафаси ва методологияси; халқаро муносабатлар назарияси ва тарихи; сиёсий фанлар назарияси ва тарихи; амалий сиёсатшунослик; умумий психология, психология тарихи; спорт психологияси, социология назарияси, методологияси ва тарихи; журналистика** (фаолият турлари бўйича); **телевидение ва радио эшиттириш; иқтисодий назария; минтақавий иқтисодиёт; менежмент** (соҳалар бўйича); **бизнесни бошқариш; халқаро иқтисодий муносабатлар; хорижий мамлакатлар иқтисодиёти; давлат ҳуқуқи ва бошқарув: маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ; фуқаролик ҳуқуқи: оила ҳуқуқи: фуқаролик жараёни: халқаро хусусий ҳуқуқ; хўжалик ҳуқуқи: хўжалик жараёни; зоология; ботаника; ўсимликлар физиологияси; одам ва ҳайвонлар физиологияси; микробиология; генетика; биофизика; биокимё; биотехнология; ихтиология; гидробиология; энтомология; паразитология; гельминтология; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси** (биология); **назарий физика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика; лазер физикаси; атом ядроси ва элементлар заррачалар физикаси; радиофизика; ядровий технологиялар; полимерлар физикаси; гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш; қуёш тизими физикаси ва гелоифизика; физика фанини ўқитиш методикаси; назарий механика; деформаланувчи қаттиқ жисм механикаси; суюқлик, газ ва плазма механикаси; астрофизика, радиоастрономия; ноорганик кимё; аналитик кимё; органик кимё; физик кимё; коллоид ва мембрана кимёси; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси; нефть ва табиий газ кимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; геоморфология ва эволюцион география; геодемография; ўлкашунослик ва туризм; қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё; метеорология; агрометеорология; гидрокимё; суғориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув ҳўжалиги иқтисодиёти; геофизика; геокимё; гидрогеология; геотектоника; палеонтология ва стратиграфия, эксперт минерологияси; геология; сел тошқини гидрологияси; математик таҳлил; дифференциал тенгламалар; геометрия ва топология; эҳтимоллик назарияси ва математик статистика; математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси; ҳисоблаш математикаси; амалий математика ва ахборот технологиялари; математик физика; композицион ва кукунли материаллар, қопламалар; физик электроника; амалий геодезия; картография; тупроқшунослик; агрокимё; физика ва мелиорация; экология; биоэкология.**

Университетда вилоятлардан келган абитуриентларга барча қулай шароитлар яратилган. Улар ётоқхона билан тўлиқ таъминланадилар. Абитуриентлар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан консультациялар олиб борилади.

Замонавий ўқув хоналари, кутубхона, университет тарихи ва ҳаётини акс эттирувчи музей, спорт заллари, поликлиника ва профилакторий талабалар хизматида.

Азиз йигит-қизлар! Сизларни Миллий университет талабаси бўлишингизга тилакдошимиз! *Омад Сизларга ёр бўлсин!*



Бизнинг манзил: **700174, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. Метронинг «Беруний» бекати, 10-, 28-, 34-, 87-, 88-, 116-автобуслар, 3-, 4-, 8-, 20-троллейбуслар.**

Телефонлар: **118-85-56, 46-08-94, 114-52-24**

XORIJDA

МУДДАТ БИР ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛДИ

АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси 27 та мамлакатда биоўлчам маълумотлари қайд этилган янги паспорт жорий этиш муддатини яна бир йилга узайтириш масаласини маъқуллади. Мазкур биоўлчамли паспорт жорий этилгач, яъни амалдаги эски паспортлар янгисига алмаштириб бўлингач, АҚШ билан тузилган ўзаро битимга кўра, 27 та давлат фуқаролари АҚШга визасиз ташриф буюриши мумкин. Бунинг учун паспорт алмаштиришни якунлаш муддатини АҚШ шу йил 30 сентябргача қилиб белгилаган эди. Бироқ, — дейилади Associated Press агентлиги ахборотида, — Европа давлатлари бу муддатга улгура олмасликларини ҳисобга олиб, муддат узайтирилишини сўрашган. Шунинг учун март ойида Америка маъмурияти ушбу масалани кўриб чиқишни Конгресдан илтимос қилди ва муддатни икки йилга узайтиришларини сўраган. Лекин Конгресс муддатни 1 йилга чўзди холос.

Биоўлчамли паспортлар (одамнинг биологик хусусиятлари қайд этилади) жорий қилинадиган давлатлар: Европа Иттифоқига аъзо 22 мамлакат, шунингдек, Янги Зеландия, Австралия, Сингапур, Бруней ва Япония.

ГЕНЕРАЛ ОЛДИНДА БОРМОҚДА

Индонезияда биринчи бор тўғридан-тўғри президент сайловлари ўтказилди. Шу пайтгача давлат бошлиғини умумий сайловларда ғолиб чиққан партия танлаб сайларди. Энди эса 17 минг ороллан иборат мамлакат аҳолиси сайламоқда.

Президентликка учта номзод қўйилган. Ҳозирча 153 миллионта бюллетеннинг атиги 1 фоиздан ортиғи ҳисоб-китоб қилинди. Дастлабки натижаларга кўра, истеъфодаги генерал-лейтенант (президентликка номзодини қўйиш учун шу йил мартда истеъфога чиққан), 54 ёшли Сусило Бамбанг Юдхойоно 33 фоиз овозга эга бўлиб, олдинда бормоқда. Амалдаги Президент Мегавати Сукарнопутри (Индонезия давлатининг асосчиси Сукарнонинг қизи) 28 фоиз, миллий қуролли кучларнинг собиқ раҳбари, истеъфодаги генерал, 57 ёшли Виранто эса 22 фоиз овоз олишга эришган.

Умумий сайловлар бўйича комиссиянинг айтишича, агар номзодлар 50 фоиздан ортиқ овоз ололмаса сентябрда иккинчи тур сайловлари ўтказилади. Мамлакат қонунларига кўра, биринчи турда кўп овоз олишга эришган икки номзод иккинчи тур сайловларида қатнашади.

Биринчи тур сайловларининг якуний натижаси икки ҳафтадан сўнг эълон қилинади, дея хабар беради Al-Jazeera телеканали.

ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАМОҚЧИ

Франция бундан 13 йил аввал, яъни Форс кўрфазида уруш бошлангандан сўнг Ироқ билан дипломатик алоқаларини узган эди. Энди эса шу узилган алоқаларни қайта тиклаш учун саъй-ҳаракатлар бошланди. Яқинда Франциянинг Ироқдаги элчиси этиб тайинланган Бернард Байола билан Ироқ бош вазири Айяд Алави учрашиб, бу борада келишиб олдилар.

Маълумки, Франция Ироқда ҳарбий операция ўтказилишига қарши чиққан. Бироқ шундай бўлса-да, улар Ироқ қарзининг маълум қисмидан воз кечган, Ироқ хавфсизлигини таъминлашда эса ёрдам қўлини чўзди, — дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

ЎЗБЕКЛАР

ВА ҚАЙ ТАРЗДА У ЕРГА БОРИБ ҚОЛГАН?

Германияда ўзбекларнинг яна бир гуруҳи борки, улар Ўзбекистондан ташқарида яшаётган этник ўзбекларнинг авлодларидир. Уларнинг орасида Темир Хўжа, Зиёвуддин Бобоқурбон, Чиғатой Кўчар каби олимлар ҳамда катта мулк ва ер эгалари, бизнесменлар, муҳандис-лойиҳачилар бор. Улар ота-боболарининг юрти — Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни ҳамиша кузатиб борадилар.

Германиялик ўзбекларнинг яна бир гуруҳи бу «Янги ўзбеклар»нинг вакилларидир.

Ўзбекистон олий ўқув юртларидан турли жамғармалар грантлари орқали Германияда ўқиётган ёшларимиз анчагина. Улар орасида 100 га яқин аспирант, докторант ва талабалар борки, аксариятининг нияти тезроқ ўқишни тамомлаб, жонажон Ватанга қайтиш.

Германияда яна бир «ўзбек»лар тоифаси бор. Булар Ўзбекистондан эмиграция натижасида кўчиб борган ўзимизнинг собиқ ватандошларимиз, миллати ўзбек бўлмаганлардир. Гап шундаки, кўпгина чет давлатларда у ёки бу мамлакатда яшовчи фуқароларнинг миллий мансублигини ўша мамлакат номини англатувчи сўз билан айтишади. Масалан, Германияда яшовчилар «Deutshc», яъни олмонлар, россияда яшовчиларнинг барчаси «руслар» дейилади, Ўзбекистондан қайси мамлакатга ким бормасин, уни Uzbek — ўзбек дейишади. Афсуски, Ўзбекистондан кетган шунақа «ўзбек»ларнинг ҳаммаси ҳам юртимиз ё халқимиз ҳақида яхши фикр тарқатаётгани йўқ. Бироқ асл ўзбек этноси вакили бўлган ватандошларимиз ҳамма замонларда ҳам юртимиз ва халқимиз шаънига фақат обрў қўшиб келишган. Улар тақдир тақозоси билан Германияда қолиб кетишган бўлса-да юракдан ўзларини ўзбек ҳисоблашади, Ватан соғинчи билан яшашади. Юртимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни эшитиб қувонишади, фахрланишади, бу ютуқларга ҳисса қўшишга интилишади.



Унга Аҳмедов деган ҳамюртимиз раҳбарлик қилган. Унинг Малика исмли қизи Ўзбекистонга келиб ўзбекча рақс санъатини ўрганиб кетган.

Германиялик ўзбеклар орасида турли касб вакиллари: олимлар, журналистлар, ишчилар, бизнесмен ва тадбиркорлар, зобитлар, полиция ходимлари ва банкирлар ҳам бор.

Хуррам РАҲИМОВ, Германиядаги Олмон — Ўзбек Илмий Жамияти ҳамраиси, Низомий номидаги ТДПУ герман филологияси кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ ФОТОКЎРГАЗМА

Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида замонавий Ўзбекистон ва унинг бой тарихига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Кўргазмага ташриф буюрган немис жамоатчилиги вакиллари, ишбилармонлар ва журналистлар Ўзбекистон етакчи фотосуратчиларининг ижодий ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Бу суратларда республикамизнинг иқтисодиёт, фан ва маданият, спорт соҳаларида эришган ютуқлари, меъморчилик дурдоналари ҳамда ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топган.

Шаҳар обер-бургомистери Йоахим Эрвин мазкур кўргазма Дюссельдорф аҳолисида катта қизиқиш уйғотганини эътироф этди. Унинг таъкидлашича, бу тадбир икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривожланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, кўргазма давомида намойиш этилган «Самарқанднинг мовий гумбазлари» ҳужжатли фильми йиғилганларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитди.

А.АКБАРОВ, «Жаҳон» АА

Интер-спорт

ГРЕЦИЯДА БАЙРАМ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Футбол бўйича Европа чемпионатида оламшумул муваффақиятга эришган Греция терма жамоасининг ютуғини нишонлаш катта байрамга айланиб кетди. Бир неча кундирки, Греция шаҳар кўчалари ва пойтахтида минглаб одамларнинг кўзларида қувонч, дилларида фахр-ифтихор ила байрам қилишаётганини кузатиш мумкин. Одамлар тонготаргача сайр қилиб, қўшиқ айтиб, кўнгилларига миллий ифтихор туйғусини туймоқдалар.

Қизиғи шундаки, шаҳар хизматчилари эрталабга яқин барча кўчаларни гўё ҳеч нарса бўлмагандек саранжом-сариштa қилишмоқда. Миллий қаҳрамонга айланган Греция футболчилари тушган автобус аэропортдан шаҳар марказигача уч ярим соат юргани, ҳатто одамлар бу автобусни гўёки қўлма қўл узатишгандай ҳаракат қилишгани ҳам Грецияда катта қувонч ва бахт уйғунлашиб кетганидан далолатдир. Албатта, ғолибларга талабгорлар кўп бўлади. Ҳозирданоқ Европа чемпиони номига сазовор бўлган грек футболчиларидан бири марказий ҳимоячи Траянос Делласни ўз клубларига олиш учун 10 та таклиф тушди. Деллас ярим финал ўйинида Чехия дарвозасига ғалаба келтирган тўпи билан машҳур бўлгани ҳаммага маълум. У ҳозирча Украинанинг «Шахтёр» жамоасига ўтмоқчи эканини яширмаяпти.

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

АҚШ ва Исроил олимпия делегациялари ўзларининг қуролли қўриқчилари билан бирга олимпиада ўйинларига боради. Америка томони ўз спорт делегацияси хавфсизлигини таъминлаш учун 100-110 нафар қўриқчи ажратмоқчи. Қолган делегациялар хавфсизлигини Греция томони таъминлайди. Умуман, Олимпия ўйинлари кунларида Греция пойтахтининг турли ерларига ўрнатилган 1400 та видеокамера орқали кузатув ишлари олиб борилар экан. Ҳукумат олимпиада ўйинларининг хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган техник ускуналар учун 250 миллион доллар ажратди. Афина олимпиадаси ўйинларининг хавфсизлигини мутлақ таъминлаш учун нуфузли мусобақалар тарихида энг кўп сармоя — 1 миллиард евро сарфланиши маълум бўлди. Бу маблағ Сидней ёзги олимпия ўйинларига сарфланганидан тўрт марта кўпдир.

Даврон АБДУРАҲМОНОВ

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Юридик шахсларни қайта ташкил этиш қандай амалга оширилади?

Д.Тўраев.
Хоразм вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-моддасига асосан юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

САВОЛ: Юридик шахсларни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик қандай аҳамият касб этади?

Э.Жавлонов.
Бухоро вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 50-моддасига биноан юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Устозларни эслаб

КЎНГИЛДАГИ ОЙДИН ХОТИРА

АБДУКАРИМ АКАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ



Энг суюкли устозларимдан бири бўлган бу нурли сиймони эсласам, ҳар гал кўз ўнгимда тиниб-тинчимас яна бир инсон — адолати Абдуфаттоҳ ака билан (Аллоҳ уларнинг охиратларини обод қилган бўлсин) биргаликда намоён бўлишади.

Дарвоқе, аввало Абдуфаттоҳ ака ҳақида: боғбон оиласида ўсгани учунми, аввал агрономликни ихтиёр қилди. Кейин-кейин кўнглида журналистикага мойиллик уйғонди. Дастлаб ҳозирги Зангиота тумани, сўнгра Тошкент вилояти ва республика газеталарига кичик-кичик хабарлар ёзиб юрган бўлса, вақт ўтиб, унинг катта-катта мақолалари, лавҳалари, репортажлари чоп этила бошлади. 1949 йил у Ўзбекистон телеграф агентлигига ишга таклиф этилди. У ерда ишлаб юриб, Ҳабиб Нўъмон, Аҳмад Исмоилов, Нўъмон Ғуломов сингари етук журналистлар билан яқин ижодий алоқада бўлди. Қарабсизки, 50-60 йилларда ўзи ҳам сермаҳсул қаламкашлар сафидан жой олди.

Отадаги ижодга бўлган бу майл, бу иқтидор кейинчалик унинг тўнғич ўғли — Абдукарим акага ва кейинчалик амакиваччалари — Абдуворис, Жасур акаларга ҳам кўчди...

✧✧✧

...Олтмишинчи йиллар бошида ўз даврининг обрўли журналларидан бирида мусаҳҳиҳликдан иш бошлаган Абдукарим ака уч йил ўтиб, ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига ишга чақириб олинди. Бу ерда ҳам кўникма эгаллаши биланоқ таҳририят кенгаши уни газетанинг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири қилиб юборди. Ёш журналист энди қайноқ ҳаёт ичига борганди... Турмушнинг паст-баландларини кўрди. Яхши одамлар билан ҳамдамлашди. Онги янада пишиб, қалами пешланиб, ижоди очилиб бораверди. Иқтидорининг янги-янги қирралар куртак отди. Бой тажассуротлар, тажрибалар тўпланди. «Чўл баҳодирлари», «Қизғин дамлар», «Жавоҳир водий», «Уни ҳамма танийди», «Замондошларим» сингари очерклари, публицистик мақолалари тилга тушди.

Эсимда, университетнинг 4-курси охирида таҳририятга амалиётга келган кезларим эди. Бу орада Абдукарим ака ҳам Тошкентга қайтган, муайян муддат таҳририят бўлимларини бошқариб, кейин масъул котиб лавозимига кўтарилган эди. Икки ойлик амалиётим сўнггида раҳматли менинг «ишлаб чиқариш амалиёти кундалигим»га (қоидага кўра) Ўктамжон ака Усмонов, Ўткир Абдуазимовлар билан бирга (уларни ҳам Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) тавсифномалар ёзиб бердилар. Ўша кундаликни ҳали-ҳали асрайманки, беназир устозларимнинг асл дастхатлари борлиги учун ҳам. Бу дастхатлар мен учун яна шуниси билан азизки, ўша тавсифномалар шарофати билан диплом ишим ҳимояси арафасида таҳририят университетга хат йўллаб, мени ишга чақириб олганди.

Ўн уч йиллик ака-укачилик ва устозу шогирдликда ўтган ижодий ҳамкорликда Абдукарим акадаги бетакрор хислатларни обдон кузатдим: инсонийлик, камтаринлик, самимийлик, ҳалоллик, ростгўйлик, бағрикенглик, меҳрибонлик, ижодкорлик, ишга ва бурчга садоқат, одамларни қадрлаш, оқибат, муомала маданияти ва вазминлик.

Устознинг Тошкент зилзиласи жароҳатларини тугатиш йўлида олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги «Тенгсиз жасорат» ва болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган «Ҳаёт ғунчалари» номли публицистик мақолалари мени публицистика жанрига олиб кирган, десам янглишмайман.

...Ўша йиллар газетага таниқли журналист ва адиб Мақсуд ака Қориев раҳбарлик қиларди. У киши таҳририятни йил сайин янги, ёш ижодкор кучлар билан тўлдириб, ёшартириб боришни хуш кўрарди. 70-йиллар боши ва ўрталари сафимизга ўнлаб шундай ёшлар кириб келди: Ҳайдар Носиров, Абдунаби Маннопов, Рихсивой Қосимов, Нарзулла Жўраев, Ғаффор Ҳотамов, Юсуф Бердиев, Абдукарим Раҳимбердиев, Умида Файзиева, Шоҳайдар Мирҳабибов, Каримжон Рихсиев, Алишер Рўзиев...

Ўшанда ёшгина, бугун эса деярли кекса журналистлар авлодига мансуб бўлиб қолаётган мана шу қалам соҳибларининг ҳам барчасига Абдукарим ака илк устозлардан бири эди. У кишидан биз нафақат газетачилик, журналистика ёки публицистика сир-асрорларини, балки таржимонлик ва кичик новеллалар — ҳикоялар ёзиш маҳоратини ҳам ўргангандик. Айниқса, «Қумсаш», «Ёдгор», «Одам бўлиш қийин», «Сен туғилган кун» каби ҳикояларида тасвирланган образларнинг характери, қиёфаси, яхшилик билан ёмонликнинг оқибатлари... ақлимизни бир қадар пешлаб, тафаккуримизда мунозарали мулоҳазалар уйғотганди.

Таҳририятда ҳам, вилоятлардаги мухбирлар ўртасида ҳам Абдукарим акани барча бирдек ҳурмат қилиб, барча бирдек суяр эдик. Кекса ва отахон журналист, бош муҳаррир ўринбосари раҳматли Холбек ака Ёдгоров у кишини жуда-жуда суйганидан бўлса керак, эркалатиб «Абдаш» деб чақирарди. Биз ҳам гоҳида у кишига тақлид қилиб «Абдаш ака» дея мурожаат қилган кезларимизда «ўрганиб олдиларингми а?» деганича кулиб қўярдилар...

Устознинг яна бир салоҳияти — кучли, тезкор ва нозик таржимонлиги эди. Ўз даврининг ўнлаб ижтимоий-сиёсий мақолалари, рисолалари ва ҳатто китобларини ҳам ёзув машинкаси ёнида ўтириб, тўғридан-тўғри («диктовка» қилиб) рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгирганларига гувоҳмиз.

Нуфузли-нуфузли ижодий уюшмаларнинг совриндори Абдукарим Набихўжаев агар ҳаёт бўлганларида айни шу кунлари етмиш ёшини нишонлаган бўларди. Афсус, бу кунларга етолмади. Аммо ортидан доим ёниқ чироқдек хайрли излар қолдирди: бу излар — ўғил-қизлари, миннатдор шогирдлари, мазмундор китоблари, элу-юртга бўлган меҳри, муҳаббати ва барча кўнгилларда ойдин хотира...

✧✧✧

... Яқинда Мақсуд ака билан гурунглашиб ўтириб, таҳририятнинг ўша йиллар ижодий муҳити ҳақида эслашдигу, сарғайиб кетган газета тахламларини варақлаётиб, Абдукарим аканинг «Ҳаёт ғунчалари» номли публицистикасига яна кўзимиз тушди: **«Инсон ўзининг зурриёди ҳақида, келажаги тўғрисида ўйлайди, фарзандларининг ақлли, соғлом, бақувват ва фаросатли бўлиб ўсишини истайди!»**

... Абдукарим ака ўзининг шогирдлари ҳақида ҳам уларнинг келажагини ўйлайдиган, қайғурадиган ғоят пок, бағоят меҳр-мурувватли устоз эдилар...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ИЛМИЙ МАРКАЗ ФИЛИАЛИ

республика миқёсида «Энг яхши тиббиёт маскани» деб топилди

Республика «Шошилинч тиббий ёрдам» илмий марказининг Наманган вилояти филиали мамлакатимиздаги «Энг яхши тиббиёт маскани» деб топилди. Марказ республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дипломи, 4,5 миллион сўмлик эсдалик совғалари ҳамда енгил автомашина билан тақдирланди.

— Мукофотга сазовор бўлишимизнинг ўзига хос асослари бор, — дейди филиал директори, тиббиёт фанлари доктори Муҳаммаджон Ваққосов. — Биринчи навбатда филиалимиз ташкил этилган кундан буён вилоят ҳокимлигининг астойдил эътибор қаратаётганлигини айтиш зарур...

Дарҳақиқат, АҚШнинг «Санфлайер» корпорацияси билан тузилган шартномага мувофиқ 2,5 миллион АҚШ долларилик тиббий асбоб-ускуналар ҳамда Германиядан келтирилган одам аъзоларини уч томонлама текширувчи ультратовуш тўлқинли текширув тизими нафақат жамоани, балки бутун вилоят аҳлини мамнун этганди. АҚШ давлат департаменти томонидан туҳфа этилган 3,5 миллион долларлик наркоз, сунъий нафас олдириш, юрак фаолиятини кўрсатувчи аппаратлар, тиш ва кўз касалликларини аниқловчи ускуналар ва лаборатория жиҳозлари, жарроҳлик амалиётига керакли тўпламлар тиббий хизмат сифатини кескин оширди.

Марказ филиали айни пайтда яқин 20 турдаги ноёб жарроҳлик амалиётини сифатли бажариш салоҳиятига эга. Биргина шу йилнинг ўзида 40 нафарга яқин врач ва ҳамшира хориждаги ва пойтахтимиздаги илмий марказларида малака ошириб қайтдилар. Айни кунларда яна 10 нафар врач Новосибирск шаҳридаги кардиохирургия илмий текшириш институтида малака ошириш учун ҳозирланмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳурматли йўловчилар!

Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент

йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.

Тошкент — Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:

- умумий вагонда — 4 671 сўм;
- плацкарт вагонида — 9 034 сўм;
- купе вагонида — 14 796 сўм;
- СВ вагонида — 29 671 сўм.

Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.

Йўналиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№56 Тошкент — Шовот	душанба, 17.15	сешанба, 13.20
№55 Шовот — Тошкент	сешанба, 14.25	чоршанба, 10.25

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти



Хикматли сўзлар маъноси

ОТИ — УЛУҒ, СУПРАСИ — ҚУРУҒ

«Оти улуғ — қовурғаси қуруғ». Бу мақолларни кўпинча ўзи донғи кетган бой бўла туриб, зиқналарга, тўртта одамни бундоқ уйига чақириб, дастурхон ёзмайдиган, фақат ўзининг «фалончи»лигидан керилиб, мағрурланиб юрадиган одамларга нисбатан киноя тариқасида қўллаганлар.

ОТИ — ОВУЛ, ҲАР НЕ ДЕСАНГ — ҚОВУЛ

Халқимизда ўғил болаларга «Овул», «Овулбой» деган исм қўйиш одати ҳам бор. Қовул — «қабул» сўзининг талаффузга ва қофияга мослаштирилган кўриниши. Бу мақолни ниҳоятда камтарин, одобли, ҳар кимнинг ҳар қандай гапини ҳам маъқуллаб турадиган, ким нима деса — йўқ демайдиган, ким нима иш буюрса, «хўп бўлади» деб, дарров бажара қоладиган мўмин-қобил одам тилидан айтганлар ва шундай тоифадаги одамларга нисбатан ижобий маънода қўллайдилар.


«НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖнинг

2004 йил 29 апрелда ўтказилган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилсин:

1.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари Р.Усмонов ва О.Тўйчибоевлар Кузатув Кенгаши аъзолигидан ўз розилиги асосида чиқарилсин.

1.2. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолиги лавозимига Камолов Т.К. ва Саломов Х.А. номзоди киритилсин.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Товар сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 74-мактаб томонидан 2003 йил 21 июнда Комила Асатиллаевна Азимова номига берилган О"R-B № 0113732 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 1 декабрида «Арча таомлари» хусусий фирмаси номига берилган 829/01 ҲШ №009320 рақамли чакана савдони амалга ошириш учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси партия фаоли **Маҳмуджон ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма кўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоаси «Фуқаролик жараёни» кафедраси мудири, юридик фанлари доктори Рустам Жабборович Рўзиевга укаси **Нодирбек РЎЗИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси филиалнинг кафедра мудири профессор Жаббор Тойлоқович Рўзиевга ўғли **НОДИРБЕК**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862

7307 nusxada bosildi
t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Газетанинг навбатдаги сони 2004 йил, 13 июль — сешанба куни чиқади.